



Олтикўл туман 28-дими
рахбари Ф.Рахманова

Тех документация

**Олтикўл туман 28-димиning энг яхши
таклифларни танлаш бўйича
танловларини ўtkазиш бўйича**

2022 год

Танлаш бўйича Техник Шартлар

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун қўйидагича: Тўловлар : сумда амалга оширилади

хисобт китоб пул ўтказиш йўли билан амалгат иширилади

Танлаш иштирикчиси тақлифни давлат тилида факт ўзбек тилида берилсин

Хуёжатларни асл холатидек жойлаштириш талаб этамиз техник топшириқ;

Қонунга мувофиқ тақлифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбур.

Бюджет ташкилотимиз харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиши учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда тақлифларни тақдим этишининг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Танлаш иштирокчиларининг тақлифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш

ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган лот бўйича электронни холатда тақдим этилади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг ишнинг хизматнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳуёжжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатиласи.

Агар танлашда иштирок этиши учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқлади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳуёжжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошлангич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳуёжжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камидан иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳуёжжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунида кўриб чиқилади.

Расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўгрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш голибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ голибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги голиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўгрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўгрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бүйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчisi томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутылган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бүйича харид қилиш ҳужжатларида голиб шартноманинг шартлари бајсарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Голиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир маъжбуриятларни бајсарии ҳуқуқи захирадаги голибга ўтади. Бунда захирадаги голиб голиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Хисобчи



О.Ахмедов